

«Роҳиба»га айланган келинчак



08:00 / 30.12.2020 2829

Роҳиба – художўй, таркидунё қилган зоҳида аёл деган маънода ишлатилияпти.

Абулфараж ва бошқаларнинг ривоят қилишича, Маккада бир гўзал аёл яшарди. Бир куни у кўзгудаги аксига қараб, эрига: «Юзимни кўриб, фитнага тушмайдиган бирор киши бормикан-а?» деди. «Ҳа, бор», деди эри. «Ким экан у?» деди аёл қошларини чимириб. «Убайд ибн Умайр», деди эри. «Рухсат берсангиз, мен уни фитнага соламан», деди. Эри рухсат берди. Аёл савол сўраган киши бўлиб, Убайд ибн Умайрнинг ёнига келди. Масжидул Ҳаромнинг бир бурчагида у билан ёлғиз қолгач, ойдек юзини кўрсатди. Убайд уни кўриб, деди:

- Эй Аллоҳнинг бандаси, юзингни беркит!
- Мен сизга ошиқ бўлиб қолдим.
- Сендан баъзи нарсаларни сўрайман, агар ростини айтсанг, хоҳлаган ишингга рози бўламан.
- Сўрайверинг, фақат ростини айтаман!
- Жонингни олиш учун ўлим фариштаси келиб турса ҳам, сенинг истагингни қондиришимни истайсанми?
- Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. Қабрингга киргач, савол-жавоб қилиш учун ўтирган ҳолингда-чи?

– Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. Ҳамминг номаи аъмоли берилаётган пайтда, китобинг ўнг ёки чап тарафингдан берилишини билмай турганингда-чи?

– Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. Сиротдан ўтмоқчи бўлиб, нажот топиш-топмаслигингни билмай турган пайтингда-чи?

– Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. Тарози қўйилиб, савоб ёки гуноҳ палласи оғир келишини билмай турган пайтингда-чи?

– Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. Аллоҳнинг олдида ҳисоб-китоб учун турган пайтингда-чи?

– Аллоҳга қасамки, йўқ.

– Рост айтдинг. У ҳолда Аллоҳдан кўрққин. Аллоҳ сенга жуда кўп неъмат берибди, сенга кўп яхшиликлар қилибди.

Аёл эрининг олдида саросимага тушган алфозда қайтиб кетди. Эри: «Нима бўлди?» деб сўради. «Сен ҳам, мен ҳам бекор юрган эканмиз», деди хотини. Кейин намоз, рўза ва бошқа ибодатларга маҳкам бел боғлади. Эри айтарди: «Мен нима қилдим-у, Убайд ибн Умайр нима қилди! Аёлимни батамом ўзгартириб қўйди. У ҳар куни гўё келинчақдек эди, Убайд ибн Умайр уни «роҳиба» қилиб қўйди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан